

**ЁШ БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ****Турдиева Кавсар Шералиевна**

Тошкент давлат тиббиёт университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси,
ф.ф.н., профессор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17646815>

Аннотация. *Статья посвящена теме роли специфики детской поэзии в развитие детской читательской компетенции. Также в статье подвергается идея о том, что «амплуа» детского поэта, это своеобразный талант, который обладает всеми возможностями специфики данной поэзии.*

Ключевые слова: *специфика детской поэзии, художественные средства изображения, игровые элементы, возрастная особенность, ритмичность, действенность.*

Аннотация. *Мазкур мақола болалар шеъриятининг ўзига хослигининг болалар китобхонлик компетенциясининг ривожланишидаги роли мавзусига бағишланган.*

Мақолада болалар шоирининг бу шеъриятнинг ўзига хослигининг барча имкониятларига эга бўлган ноёб истеъдод эканлиги ҳақидаги фикр ҳам тасдиқланади.

Калим сўзлар: *болалар шеъриятининг ўзига хослиги, бадиий тасвирий воситалар, ўйин элементлари, ёшга боғлиқ хусусиятлар, ритм, ҳаракат.*

Annotation. *The article is devoted to the topic of the role of the specifics of children's poetry in the development of children's poetry in the development of children's reading competence. The article also confirms the idea that the "role" of a children's poet is a kind of talent that has all the possibilities of the specificity of this poetry.*

Keywords: *specificity of children's poetry, artistic means, images, game elements, age-related features, rhythm, action.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев халқаро анжуманда улуғ шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъватини келтирган эдилар ва бу сўзларнинг бугунги кунда қиймати йўқолмаганини таъкидладилар.

Ҳақиқатдан ҳам бадиий адабиёт инсоннинг китобга меҳрини уйғотувчи, уни тарбияловчи ва дунёқарашини ўстирувчи воситадир.

Ҳар бир даврда ва бугунги кун айниқса болалар китобхонлик компетенциясини ўстириш жамият тараккиёти учун нечоғли муҳим эканлигини ривожланган давлатларда китобхонликка бўлган эътибор тажрибасида очиқ-ойдин исботланмоқда. Фарзандларнинг маънавиятини шакллантириш ва маърифатни ўстиришда болаларнинг ёшлигидан бошлаш айниқса самаралидир.

Адабиётга меҳр болаликдан уйғониши сабабли болалар ёзувчилари ва шоирларининг мурғак қалбларга эзгулик уруғларини қай даражада ишонарли, таъсирли сеп олишлари муҳимдир. Аммо уруғ улар қалбида тезроқ ниш уриши учун болалар шоираларидан нима талаб қилинади?

Фикримизча ёш китобхонлар учун тақдим қилинган расмлар билан ва китобнинг муваффақиятли дизайни билан биргаликда болаларга аталган шеърий асарларнинг болалар шеъриятининг ўзига хос хусусиятларига амал қилиш ҳамдир.

Ушбу мақолада болалар китобхонлик компетенциясини оширишда болалар шеъриятининг ўзига хос хусусиятларининг самарали таъсири ҳақида фикр юритилади.

Петрозаводск университети илмий журнали саҳифаларида “Болалар адабиёти, болалар шоирлари ва болалар китобхонлиги ҳақида” номли баҳсда муаллиф, “Болалар шеърляти” деган тушунча қанчалик тўғрилиги ва болалар шеърляти ўзи нима-ю, у катталар шеърлятидан қандай хусусиятлар билан фарқ қилади, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. У шу ўринда С. Лойтернинг “Болалар учун ёзилган шеър поэтикаси ва унинг болалар адабиётига муносабати” номли китобига мурожаат қилади.

Мазкур мақолада муаллиф болаликни алоҳида ижтимоий-маданият феномени деб эътироф этади. Унинг ўз сўз маданияти борлигини таъкидлайди. Унга бу сўзлар аввало бешик кўшиқлари, айтимлар кўринишида етиб келган. Болалар адабиёти ва шеърляти бугунги долзарб муаммолардан эркин ҳолатда шеърга солинади, чунки бола ўзи энди танишаётган дунёга рўпара келади. У ўзига таниш ва осон, у билган ва тушунган ёки энди англаб етаётган атроф оламдаги предметлар, одамлар, ҳайвонот дунёсидаги ҳаракат ва ҳодисаларни энг аввало, ўз дунёқараши ва муносабатига эга ҳолда идрок этади.

И.Роднянская болалар шеърлятини алоҳида бир шеърлят кўриниши сифатида аниқ ифода этади. Унча қайишувчан бўлмаган ва ўз табиати жиҳатидан болалар шеърляти имкониятлари, вазифасига – “ампула”сига мос бўлмаган инсон умумпоэтик микёсда ўта истеъдодли бўлган тақдирда ҳам болалар шоири бўла олмаслигини эътироф этади. Бу ўринда болалар адабиёти жумладан шеърлятини ўзига хослиги айнан шундай истеъдод эгалари томонидан ёзилиши қайд этилади. Ва фикримизча бу болалар шеърлятининг ўзига хос хусусиятини таъминловчи талабларидан бири: болалар шоирларининг ўзига хослиги ...

Маълумки, катталар шеърлятида ҳам, болалар шеърлятида ҳам сюжет, композиция, истиора, ўхшатиш, таъкид, кучайтириш, параллелизмлар ва бошқа тасвирий воситалар бор, аммо айнан уларнинг ҳар бирини ишлатиш жараёни болаликнинг сеҳрли олами орқали ўтган бўлиши, бетакрор бу дунёнинг ўзига хос хусусиятларини жамлаши керак.

Болалар адабиёти ҳақиқатдан ҳам сеҳрли адабиёт. Болалар ижодкорлари эса ҳақиқий сеҳргарлар, чунки улар катта бўла туриб болаларга айландилар. Уларнинг кўлидаги сеҳрли таёқ оддий ёғочга айланмагунча улар болаларни ҳайратга соладилар.

Улар митти қалб нимани хоҳлашини, қандай гапиришини, нега хафа бўлганию нима сабабдан хурсанд бўлганини билишади. Болаларни ташвишга, ҳаяжонга соладиган нарсая воқеалар катталардан фарқли бўлиши турган гап. Улар яхши ва ёмонни биладилар, нисбийлик уларга ёт.

Болалар эртақларни сеҳрли ажойиботларини яхши кўрадилар. Улар Чуковский эртагидаги Чивин ва Пашшаой турмуш қуриш мумкин эмаслигига эътибор бермайдилар.

Чивиннинг Пашшаойни Ўргимчак кўлидан қутқариб, қаҳрамонлик кўрсатиши улар учун муҳимдир. Аммо бу воқеалар ишонарли бўлиши керак. Демак болалар шеърлятида тасвирий бадиий воситалардан фойдаланишнинг ҳам ўзига хослиги мавжуд бўлиб, унда болалар ижодкорлари ишонарли тасвирга бадиийлик орқали эришишади. Бадиий тасвирий воситалар эса боланинг фантазияга мойиллиги, шунингдек унга таниш бўлган ҳодисалардан қутилмаган ўхшатиш ва параллелизмлар топишлари йўналишида самарадор ҳисобланади.

*Бир пиёла чой каби,
Бутун ойни хўплади¹*

¹ А.Обиджон. Баҳромнинг ҳикоялари. Ёш гвардия, 1980 й.

А.Обиджон

*Дов-дарахтни богбонлар
Соч-соқолин қиришиди
Биз оқлаган дарахтлар
Оппоқ пайпоқ кийишиди.²*

Т.Адашбоев

Ушбу шеърдаги ўхшатишлар буткул болаларча.

Болаларни китобхонликка кизиштиришда энг кичик ўқувчи учун асар қисқа, содда, тушунарли сўзлардан ва ходисалардан иборат бўлиши керак. Эсимда бор, алифбо харфлари учун ёзилган икки қатор шеърим тузувчиларда яхши таассурот қолдирган эди:

*Динозавр қараса
Очиқ экан дераза.*

Кичик ёшлардаги ўқувчиларга кўпроқ такрорлар занжири, мантиқий такрорий воқеалар ривож, аллитерация усуллари қўл келади. Масалан:

*Ча-ча-ча
Салом, сичқонча!
Чўм-чўм-чўм
Қилайлик ачом.
Чий-чий-чий,
Юр, ўйнайликчи!
Ча-ча-ча
Хайр тонггача!³*

Агар эътибор берган бўлсангиз, шеърда ҳаракат кўп. Демак кейинги ўзига хослик: болалар шеърлятидаги ҳаракат кичик ёшдаги болаларда китобхонликка самарадорли таъсир этади. Узундан узоқ тавсифли ҳаракатсиз ҳолатлар кичик ёшдаги ўқувчини зериктиради.

Бу жиҳатдан энг кичик ёшдаги болалар учун ҳаракатли ўйинлар сифатидаги шеърй туркумлар самарали ҳисобланади.

Демак, болалар ижодкорлари асарларида қўллайдиган асосий самарали усуллардан яна бири – ўйин. Шоирлар болаларни ўйнатиб тарбиялайдилар. Улар болаларга ахлоқий меъёрлар ҳақида насиҳат қилмайдилар. Болажонлар ҳаётдан ибратли лавҳаларни келтирадилар холос. У ёғи ўқувчига ҳавола. Мулоҳаза ва муҳокама, фикрлаш ва фантазия учун очиқ қолади.

Болаларнинг яхши кўрган асарлари худди севимли ўйинчоқлари каби қадрли бўлади.

Албатта, болалар учун ёзилган шеърларда ўйин элементлари бўлиши ҳам уларни болаларга яқинлаштиради. Улар мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун айниқса муҳим.

Ўйин бола учун анча аҳамиятли элемент, чунки ўйин орқали улар анча кийин мавзуларни енгил тушуниб олишади. Болалар халқ оғзаки ижодининг асоси ҳам ўйинда эканлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Шеърларда рақамлар, саволлар, сўзлар ҳам ўйинга чорлаши мумкин ёки ўйноқи қофиялар кетма-кетлиги ўқувчининг диққатини жалб қилади.

² Турсунбой Адашбоев. Арслонбобо афсонаси. Ёш гвардия. Тошкент, 1978 й.

³ Кавсар Турдиева. Дунёни сақлар болалар. Бекинмачоқ плюс. Тошкент, 2012 й.

Қатъий равишда барча болалар учун аталган шеърлар ўйинга асосланиши керак дея олмаймиз. Бунда биз учун яна бир қоида келиб чиқади, яъни болаларга аталган шеърлар уларга ёқиши керак. Шунингдек ёқадиган асар албатта китобхонга таъсир кўрсатиши зарур.

Одатда болалар шоирлари мазмунга берилишади-ю, аммо шеър шаклига эътибор қилишмайди. Ваҳоланки, асар қайси мавзуда ёзилган бўлмасин, агар у шакл жиҳатидан мос бўлмаган кўринишда тақдим қилинса, мазмун чиқитга чиқиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам мавзулар ярқ этиб кўриниши учун шоирлар шаклий ранг-барангликда ёза олишлари, уларни яратилишида энг самарали услубларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. А.Обиджон асарлари, Т.Адашбоев, Х. Имонбердиев, А.Акбаров, Д.Ражабов ва бошқа шоирлар ижодидан намуналар бунинг исботи.

Аслида ҳам дунёни кашф қилиш ва ўрганиш жараёни бола учун доимий бир хил ҳаракатлардан устун кўринади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда болалар адабиётида қандай шеърлар долзарб, деган саволга М.Яснов шундай жавоб беради: “Такрор айтаман, болалар шеъриятига шу бир зумлик долзарблик тўғри келмайди, унинг бадиий дунёси гўё болани ўраб турган хаёлот ва фантазия билан қайта ўзгартирилган ва яратилган, шеърят қанотида олиб учган битмас-туганмас қадриятдир”.

Болалар шеъриятидаги мусикийлик ҳам катта аҳамиятга эга. Ритмнинг ёш болага ёқиши у сўзларини унча англамаса-да, шеърини матнни қайта-қайта эшитиши, ёддан айтиши бунинг исботи. Уларга ёқувчи ритмдаги катталар учун мўлжалланган кўшиқлардан парчаларни давомий айтиб юришлари ҳам бунга далилдир.

Болалар шеърияти намуналари ҳақида фикр юритилганда, албатта унинг асосий, ўзига хос хусусиятларидан бири: ёш категориясидир.

Ёш категориясининг эътиборли томони шундаки, ҳар бир ёшдаги ўқувчилар учун ёзилган шеърини асарларда ҳам фарқлар мавжуддир. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар учун ёзилган шеърлар қисқалиги, такрорларнинг кўп бўлиши, равонлиги, ритмнинг тезкорлиги билан ажралиб туриши керак.

Топишмоқлар, алла, масхаралагичлар, чандишлар, мавсум-маросим кўшиқлари, хайвон ва қушлар ҳақидаги шеърлардаги ритм, оҳанг болаларга уларнинг руҳиятига яқин.

Бу борада таникли рус шоири Корней Чуковский болалар шеъриятининг қоидаларини жуда тўғри аниқлаб беради. Жумладан, унинг энг биринчи жиҳати халқдан ўрганиш – болалардан ўрганиш.

Агар эътибор берадиган бўлсак, асарлар орасида энг саралари айнан шу тамойилга асосланиб ёзилганларидир. Бу биринчи навбатда энг илғор шоирларимиз ижодига тегишли.

Биз Анвар Обиджонинг “Саломномалари”, Турсунбой Адашбоевнинг “Лоф эмас” ва Ҳамза Имонбердиевнинг “Лофчилар”, “Имтиҳонда” ва бошқа шеърларини келтиришимиз мумкин.

Яна шуни таъкидлаш керакки, болалар учун яратилган асарларда қофиялар тўлиқ, имкон борича жарангдор бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишади.

Айнан шундай қофияли шеърлар албатта кўпчилик болалар шоирларимизнинг ижодида учрайди. Турсунбой Адашбоев ижодидан мисол келтирамиз:

Мен ва Тўлан,
Куни билан

Тилиб-тилиб,
Маза қилиб

Уйда эдик,
Қовун едик

Дадам еди,
Коса қилиб

Муваффақиятли чиққан шеърларда қофиялар тўлиқ, ритм тезкор булиши билан қофиялар сатрдаги асосий фикрни ташувчилар ҳам бўлиб ҳисобланади.

Энди бир икки оғиз сўз юмор ва сатира, у орқали олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбия ҳақида.

Рус болалар шоираси А.Барто ўзининг “Шеърят ва маънавият” номли мақоласида шундай деб ёзган эди: “Болалар шеърятда маънавий-ахлоқий, масалалар айниқса қувноқ шеър жанрида яна ҳам ёрқин акс этади. Болалар ёзувчилари, шоирлари юморнинг бебаҳо тасвирий восита эканлигини, уни турли ёшдаги болаларнинг маънавий дунёсига таъсир қилишининг синалган йўли эканлигини яхши биладилар”.

Шеърларда тарбиянинг акс этишида юморнинг роли ҳақида гапириш айти муддао бўлар эди.

Кулгу аслида болалар учун зарурий дармондоридир. Болаларга ўткир сўз, пичинг, юмор, кулгули вазиятлар ва кулгили характерлар ёқади. Яна юмор болалар тарбиясидаги энг муҳим элемент ҳисобланиб, у болаларга ўз хатоларини асардаги қаҳрамонлар образида кўришга, унинг нақадар кулгили эканлигини ҳис қилишга ва усти ширин бўлган ўзи хоҳлаб ичган дармондоридек таъсир қилади.

Шунингдек, кичик ёшдаги болалар учун яратилган асарлар содда, оддий бўлиши, аммо улар примитивлик даражасига тушмаслиги керак.

Примитивлик ва стереотиплар (бир хил қолиплар) адабиёти, айниқса, болалар учун катта зарар етказди. Болаларда мустақил фикрлаш қобилияти камаяди, ҳар бир нарсага, ҳатто мутлақ ҳақиқат деб қаралган нарсаларга ҳам баҳс ва мунозара кўзи билан қараш кераклиги, фикрлар хилма-хиллиги ўргатилмайди ва ниҳоят мантикий фикрлаш ва мустақил хулосалар чиқариш қобилияти ўстирилмайди. Бу, ўз навбатида, болалар китобхонлик компетенцияси ва маънавий, эстетик тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Круг детского чтения поэтических произведений А. Арипова. Бюллетень науки и практики №6 (10). 430-438 б.
2. XX асрнинг 60-80йилларида Ўзбек болалар шериятида маънавият масалалари. Тошкент, "Адабиёт Учкунлари"нашриёти. 96 б.
3. О современной узбекской детской поэзии последних лет. Язык. Словесность. Культура. 61-75 б.
4. Особенности современной узбекской детской поэзии. 2017 й. Theoretical & Applied Science. 66-69 б.
5. Турдиева К. Ш. Актуальность и значение переводной детской литературы //Труды ГПНТБ СО РАН. – 2022. – №. 1. – С. 72-76. Турдиева К. Ш. Актуальность и значение переводной детской литературы //Труды ГПНТБ СО РАН. – 2022. – №. 1. – С. 72-76. Турдиева К. Ш. Актуальность и значение переводной детской литературы //Труды ГПНТБ СО РАН. – 2022. – №. 1. – С. 72-76.

6. Шералиевна Т. К. «Художественная литература и медицина» — научный модуль в учебных пособиях по медицинскому направлению. // Журнал «Инновации, творчество и искусство». — 2023. — С. 278–281.
7. Масаидова Ф., Турдиева К. Қамчибек кенжанинг “балиқ ови” ҳикоясининг ғоявий хусусияти //Перспективы развития медицины. — 2021. — Т. 1. — №. 1. — С. 643-644.
8. Абдуллаева Л., Турдиева К. Стивен Кингнинг “Чекишни ташланг корпорацияси” ҳикоясида соғлом турмуш тарзи мавзуси //Перспективы развития медицины. — 2021. — Т. 1. — №. 1. — С. 602-603.
9. Турдиева К. Ш. Круг детского чтения поэтических произведений А. Арипова //Бюллетень науки и практики. — 2020. — Т. 6. — №. 10. — С. 430-438.
10. Турдиева К. Ш. НРАВСТВЕННЫЙ АСПЕКТ ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ АНВАРА АБИДЖАНА //Бюллетень науки и практики. — 2023. — Т. 9. — №. 5. — С. 667-671.
11. Турдиева К. Ш. ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ШАЙТАНАТ» (“ЦАРСТВО БЕСОВ”) //MEDICAL SCIENCES. — Т. 34.
12. Турдиева К. Тиббиёт институтларида бадиий-ижодий тўгаракларнинг самарадорлиги //Педиатрия. — 2023. — Т. 1. — №. 1. — С. 280-285.
13. Турдиева К. О современной узбекской детской поэзии последних лет //Язык. Словесность. Культура. — 2015. — №. 2. — С. 61-75.
14. Турдиева К. Проблема нравственности в современной узбекской детской поэзии. — 1994.
15. Турдиева К. О ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ УЗБЕКИСТАНА //Наука и инновации. — 2024. — Т. 3. — №. С5. — С. 62-68.
16. Гойибова Г., Турдиева К. Образ врачей в рассказе Зоира Мамаджонова «Сидящие у костра» //Научные работы одарённой молодёжи и медицина XXI века. — 2023. — Т. 1. — №. 1. — С. 355-355.
17. Turdieva K. S. ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ //Theoretical & Applied Science. — 2017. — №. 10. — С. 66-69.
18. Турдиева К. Ш. и др. Учебное пособие по русскому языку //Обучение студентов письменной речи. Ташкент. — 2015.
19. Турдиева К. Ш. Медицина в художественной литературе: из опыта работы //Книга. Чтение. Медиасреда. — 2024. — Т. 2. — №. 3. — С. 208-210.
20. Turdiyeva K. Alifbo olamiga quvnoq sayohat. — " Yangi asr Avlodi" Nashriyot-Matbaa, 2008.
21. Турдиева К., Хамракулова М. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.
22. Турдиева К. Ш. Современная узбекская детская поэзия. Творчество Миразиза Агзама //ББК 81.2 Рос. — 2016. — С. 170.